2008 ЙИЛ, 11 АВГУСТ, ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 154 (11.215)

Баҳоси эркин нархда

## Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Миробод туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида бадиий ҳаваскорлик жамоалари раҳбарлари, аъзолари, ўқув курслари, тўгараклар қатнашчилари иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Юксак маънавият — енгилмас куч» деб номланди.

● **ЎТГАН** куни Ҳамза туманидаги «Давр» маҳалласида маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонлари иштирокида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида «Маҳалла куни» тадбири ўтказилди.

● **«ЭКОСАН»** халқаро ташкилоти ташаббуси билан «Экология, мустақиллик ва халқ саломатлиги» шиори доирасида уюштирилган экофестивалнинг якуний босқичига бағишланган йиғилиш ташкилий қўмита аъзолари иштирокида ўтказилди.

● **РЕСПУБЛИКА** Фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ҳамда Республика «Маҳалла» жамғармаси ҳомийликларида бир гуруҳ сурхондарёлик отахонлару, онахонлар Тошкент шаҳрига экскурсия қилишди, шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташаббуси билан шаҳримизда компьютер технологиялари мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни соҳа янгиликларидан бохабар этиш мақсадида семинар-тренинг машғулотлари уюштирилди.

● **РЕСПУБЛИКА** Ташқи иқтисодиёт миллий банкида мутахассислар иштирокида ўтказилган тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида банк томонидан жорий йилда 140 миллиард 900 миллион сўмлик кредит ажратилганлиги таъкидлаб ўтилди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳрининг 2200 йиллигига туҳфа сифатида шаҳримиздаги «МҲСК» стадиони бунёдкорлар томонидан қайта таъмирланадиган бўлди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси илмий-оммабоп ҳужжатли фильмлар студияси ижодкорлари томонидан тайёрланган «Тошкент тарихий обидалари» деб номланган ҳужжатли фильм пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

## 17 йил МУСТАҚИЛЛИК

*Истиқлол — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир*





## Шайхонтоҳур тумани: ИСТИҚБОЛГА ЮЗ ТУТИБ

**АЙНИ КУНЛАРДА БУТУН РЕСПУБЛИКАМИЗДА ТОБОРА ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН ЭНГ АЗИЗ ВА УЛУҒ БАЙРАМ — МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 17 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШГА КАТТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА. ХУСУСАН ШАҲРИМИЗ ЧИРОЙИГА ЎЗГАЧА ҲУСНУ ТАРОВАТ БАҒИШЛАБ ТУРГАН ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДА ҲАМ ЭНГ ҚУТЛУҒ БАЙРАМНИ ИШДА, ЎҚИШДА, ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ, БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА ҲАР СОҲАДА ЮКСАЛИШ, КАТТА ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН ҲОЛДА КУТИБ ОЛИШ УЧУН ҚИЗҒИН ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.**

Жумладан, 2008 йилнинг биринчи ярим йиллигида туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 289,6 миллиард сўмни ташкил этди. Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш





ҳажмининг юқори ўсиш суръатларининг таъминланишида туманда фаолият юритаётган Ғ.Ғулом номидаги ижодий матбаа уйи — ўсиш суръати 169,3 фоиз, «Тошкент қувур заводи» ҚК — ўсиш суръати 114,9 фоиз, «Камхар» масъулияти чекланган жамияти — ўсиш суръати 235,9 фоиз, «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи — ўсиш суръати 127,6 фоиз каби йирик корхоналарнинг улуши катта бўлди.

2008 йилнинг биринчи ярим йиллик якуни бўйича асосий саноат корхоналари, кичик ва микрофирмалар билан биргаликда таққослама нархларда 289 миллиард 655,9 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 271,1 фоизни ташкил этди.

Шу давр мобайнида 47 миллиард 36,2 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Биринчи ярим йиллик якунида ташқи савдо айланмаси 175,9 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 21,7 миллион АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинди. Импорт эса 154,2 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 72,2 фоизга ўсди.

Жорий йилнинг ўтган вақти давомида 364 та янги кичик тадбиркорлик субъектларига мансуб корхоналар ва 890 та якка тартибдаги тадбиркорлар иш бошлади. Ҳозирги кунда туманда фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2868 тани ташкил этади. Шу давр мобайнида кичик тадбиркорликни ривожлантириш туфайли 1640 та янги иш ўринлари яратилди.

2008 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида маблағ билан таъминлайдиган барча манбалар ҳисобидан асосий капиталга 36 миллиард 618,7 миллион сўмлик инвестициялар киритилди. Шу жумладан, хорижий инвестициялар 2 миллиард 831,5 миллион сўм, қурилиш-монтаж ишлари 26 миллиард 998,4 миллион сўмлик бажарилди. Аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида, 11 минг квадрат метр турар жой бинолари фойдаланишга топширилди.

Чакана савдо айланмаси 191,7 миллиард сўмни, пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 39,7 миллиард сўмни ва маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 1,8 миллиард сўмни ташкил қилди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 19 та янги озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат дўконлари, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилди.

Уй меҳнатини ташкил этиш бўйича йил бошидан буён 557 та иш ўринлари яратилган бўлиб, шу жумладан меҳнат шартномаси асосида 52 та корхонада 507 та касаначилик иш ўрни, шу жумладан йирик саноат корхоналарида — 139 та, бошқа йирик корхоналарда — 185 та ва кичик саноат корхоналарида — 183 та иш жойлари ташкил қилинди.

Туманда 41 та умумий таълим мактаблари, 50 та мактабгача таълим муассасаси, 4 та олий ўқув юртлари, 11 та касб-ҳунар коллежлари, 4 та академик лицей, 9 та касалхона, 12 та ҳар хил мулк шаклига эга бўлган оилавий поликлиника, А.Навоий номидаги санъат саройи, 3 та музей, цирк каби кўркам мажмуалар аҳолига, хусусан келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодга хизмат қилмоқда. Туман аҳолиси яратилган барча шарт-шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб ҳар соҳада ютуқларга эришиб Мустақиллик байрамига пешвоз чиқмоқда.

**(Шайхонтоҳур туманига бағишланган мақолаларни газетанинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз)**

## ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИГИ САЛОҲИЯТИ

**ҲАР ЙИЛИ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА ЮРТИМИЗДА ҚУРУВЧИЛАР КУНИ КЕНГ НИШОНЛАНАДИ.**

Ушбу айёмга туҳфа сифатида янгидан-янги иншоотлар, муҳташам бинолар, ишлаб чиқариш корхоналари, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият-маърифат масканларини қуриб фойдаланишга топшириш анъанага айланган.

"Туркистон" саройида қурувчиларнинг касб байрамига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда қурувчилар, меъморлар, муҳандислар, қурилиш ташкилотлари, ободонлаштириш-таъмирлаш корхоналарининг раҳбарлари, лойиҳалаштириш илмий-тадқиқот институтларининг мутахассислари иштирок этди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ватанимиз тараққиётини янада юксалтириш, халқимиз фаровонлигини, ёш авлод камолотини таъминлаш, маънавиятини юксалтириш йўлидаги ислоҳотлар жараёнида кенг кўламдаги қурилиш-бунёдкорлик ишларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Халқимизга хос яратувчилик ва бунёдкорлик бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудларида тобора ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Асрларга татигулик бундай ишларни амалга оширишда миллий шаҳарсозлик ва меъморчилик анъаналари ҳамда замонавий архитектура-қурилиш технологиялари ўзаро уйғун тарзда олиб борилаётир, бунда иншоотларнинг мустаҳкамлигига, хавфсизлигига, экологик мукаммаллигига алоҳида аҳамият қаратилаётир.

Бу жиҳатлар пойтахтимизнинг кун сайин янада кўркамлашиб, обод бўлиб бораётганида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ азим пойтахтимизда кенг кўламли бунёдкорлик, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Мавжуд қадимий обидалар ва ёдгорликлар юқори малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда ўрганилиб, қайта тикланаётир. Тарихий-маданий аҳамиятга эга иншоотларни таъмирлаш ишлари уларнинг асл қиёфасига мос тарзда, белгиланган меъморий талаблар асосида олиб борилаётгани эътиборга моликдир.

Айни пайтда "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкентда янгидан-янги мактаблар, коллеж ва лицейлар, болалар бадиий ижодиёти маркази, мактабдан ташқари таълим-тарбия даргоҳлари, ёшлар боғлари, кўркам хиёбонлар, спорт-соғломлаштириш масканлари, тиббиёт мажмуалари, диспансерлар, шифохоналар, оилавий поликлиникалар барпо этилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Йиғилишда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

**МАНА, ПЕКИН ЁЗГИ ОЛИМПИАДАСИНИНГ ДАСТЛАБКИ ИККИ КУНИ ҲАМ ОРТДА ҚОЛДИ. БИРИНЧИ МЕДАЛЛАР ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ, ҲАР ХИЛ СПОРТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИМПИАДА ВА ЖАҲОН РЕКОРДЛАРИ ЎРНАТИЛДИ.**

Beijing 2008

*Пекин — 2008*

## ҲАМЮРТИМИЗНИНГ ДАСТЛАБКИ МЕДАЛИ

Биргина кечаги куннинг ўзидаёқ 14 та медаллар тўплами ўз соҳибларига топширилди. Қувонарли томони шундаки, ҳамюртларимиз ҳам дастлабки зафарларга юз тутишди. Хусусан, дзюдо бўйича 60 килограммгача вазндаги спортчилар ўртасида ҳамюртимиз Ришод Собиров бронза нишонини қўлга киритди. Яъни у ўз бронзаси билан бошқа спортчиларимиз муваффақиятларига ҳам йўл очди, десак адашмаймиз.

Боксчиларимиз ҳам Олимпиада мусобақаларини кўтаринки руҳда бошлашди. Элшод Расулов ва Дилшод Маҳмудов ажойиб ғалабаларни қўлга киритиб, кейинги босқичга йўлланма олишди.

Рекордлар хусусида тўхталадиган бўлсак, таиландлик оғир атлетикачи аёл Осиё, 2000 метрга 4 кишилик сузиш баҳсларида Австралиянинг эркаклар жамоаси жаҳон рекордини янгилашди.

Кечаги белллашувларда айниқса спорт гимнастикаси ва сувга сакраш бўйича мезбонларга тенг келадиганлар топилмади.

Шундай қилиб, ўтган икки кунлик натижаларга кўра норасмий умумжамоа ҳисобида хитойлик спортчилар карвонбошилик қилишмоқда. Жанубий кореяликлар иккинчи, АҚШ олимпиадачилари эса учинчи ўринда боришмоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан XXIX ёзги Олимпиада ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этди.**

● **Самарқандда одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган мажлисда Президентимизнинг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар муҳокама этилди.**

● **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишлаб, Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Ўзбекистонда болаликни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

● **Андижон шаҳрида «Ўзфармсаноат» Давлат акциядорлик компанияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида дори воситалари ва тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, улгуржи ҳамда чакана савдо ташкилотлари иштирокида «Истиқбол — маҳаллий дори воситаларида» мавзуида семинар-кўргазма ўтказилди.**

● **«Тўйтепа металл қурилмалари» очиқ акциядорлик жамияти Ёшлар йили муносабати билан 61 нафар ёшни ишга қабул қилди.**

● **Қашқадарё вилоятида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари сони биттага кўпайди. Ғузор туманида иш бошлаган «Уста тадбиркор» хусусий корхонаси бир кеча-кундузда 17 минг дона пишиқ ғишт тайёрлаш қувватига эга.**

● **Ҳамза номидаги Қўқон мусиқали драма театри жамоаси томошабинлар эътиборига Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романи асосида саҳналаштирилган «Найман она фожеаси» деб номланган спектаклни ҳавола этди.**

● **Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган «Етти ёш ЗМЖ» хусусий корхонаси ишга тушди. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу корхонада мева концентрати ишлаб чиқарилади.**

### ЖАҲОНДА

● **БМТ Хавфсизлик Кенгаши бугун Грузия ва Жанубий Осетия ўртасидаги қуролли можаро бўйича тегишли резолюция қабул қилади.**

● **Боливияда ўтказилган умуммиллий референдумнинг дастлабки натижаларига кўра мамлакат Президенти Э.Моралес ҳамда вице-президент А.Гарсиа ўз ўринларини сақлаб қолишган.**

● **Россиянинг «Паллада» русумли елканли фрегати бутун жаҳонни айланиб чиқиб, кеча Владикавказга қайтди.**

● **«Олтилик» мамлакатлари берилаётган таклифларни эътиборсиз қолдираётган Эронга қарши янги санкцияларни жорий этиш масаласини кўриб чиқишни бошлашга келишиб олдилар.**

● **Чехияда йирик темир йўл ҳалокати содир бўлди. Польшанинг Краков шаҳридан Прагага йўл олган йўловчи поездининг таъмирлаш ишлари олиб борилаётган кўприкдан ўтаётганда ҳалокатга учраши натижасида 10 киши ҳаётдан кўз юмган, 100 дан зиёд йўловчи турли даражада жароҳатланган.**

● **Нью-Йоркдаги Жон Кеннеди номидаги халқаро аэропортга Бирлашган Араб Амирликларининг «Emirates» авиакомпаниясига қарашли дунёдаги энг катта йўловчи ташувчи Airbus A380 самолёти келиб қўнди. Бу самолёт Дубай — Нью-Йорк йўналиши бўйлаб тижорат рейсини амалга оширди. Бу Airbus томонидан янги технология асосида ишланган ва АҚШга тижорат қатновларини амалга ошириш учун мўлжалланган биринчи самолётдир.**

● **Лондон шаҳри яқинида Уильям Шекспир асос солган биринчи театр биноси қолдиқлари топилди. Ушбу театр тахминан 1576 йилда қурилган бўлиб, унда Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта» ҳамда «Ричард III» асарлари биринчи марта саҳналаштирилган бўлиши мумкин, деб фараз қилинмоқда.**

● **АҚШ божхона хизмати мамлакат ҳудудига кириб келаётган ҳар бир хорижликнинг шахсий ҳаётига аралашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Мазкур давлат ҳукумати терроризмга қарши кураш доирасида Америкага кириб келувчиларнинг ноутбук компьютери, уяли телефони, ҳар қандай рақамли қурилмаларини текшириш тўғрисидаги янги ҳужжатни амалга жорий этди.**

● **Канада полицияси жаҳондаги энг ашаддий 30 нафар жиноятчидан бирини қўлга олди. «Нидрангета» жиноий гуруҳининг 41 ёшли етакчиси, асосан, гиёванд моддалар етказиш билан шуғулланган Жузеппе Количчо Торонто шаҳрида ҳибсга олинди. У Канадада 2005 йилдан буён яшириниб юрган эди.**

17 йил Мустақиллик

*Истиқлол — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир*

Шайхонтоҳур тумани:

# ИСТИҚБОЛГА ЮЗ ТУТИБ













*Тиббиёт масканларида*

## ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БАРЧА СОҲАЛАРДА БЎЛГАНИ КАБИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ҲАМ КАТТА ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ. ИНСОН ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ, ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ ВА СОҒЛИҒИ ЭНГ ОЛИЙ ЎРИНГА ҚЎЙИЛГАН ЮРТИМИЗДА ЭЛ САЛОМАТЛИГИНИ ТИКЛАШ ВА САҚЛАШГА ЖУДА МУҲИМ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.**

Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган жаҳон андозалари даражасида қад ростлаган касалхона, поликлиника ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасалари давр талаби даражасида элу юртимиз аҳлига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Шайхонтоҳур туманидаги 42-оилавий поликлиника хусусида ҳам фахр билан худди шундай фикрларни келтириш мумкин.

— Оилавий поликлиникамиз 15.280 нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак атрофимиздаги «Лабзак», «Жанггоҳ», «Тахтапул», «Мискин» каби маҳаллалар аҳли узоқ йиллардан буён қўли енгил шифокорларимиз муолажаларидан даво топиб келмоқдалар, — дейди 42-оилавий поликлиника бош шифокори Абдулла Мирзаев. — 24 та шифокор, 48 та ҳамшира, 7 нафар умум оилавий шифокорларимиз мунтазам равишда аҳоли билан турли касалликлар ва уларнинг олдини олиш бўйича қизиқарли суҳбат, учрашув ва тадбирлар ўтказиб келадилар. Соғлом авлодни вояга етказиш, тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилган суҳбатларнинг албатта фойдаси катта бўлмоқда. Бугунги кунгача 1000 дан ортиқ келин-куёвлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Жорий йилимизнинг Ёшлар йили деб номланиши боис 12.500 дан ортиқ талаба-ёшлар ҳам тиббий кўрикдан ўтказилиб касаллиги аниқланганлар касалхоналарга ётқизилди, даволаш муолажалари ўтказилиб саломатлиги тикланди.

Аҳолига намунали хизмат кўрсатиш учун янги УЗИ — ультратовуш аппарати, электрон-микроскоп, ЭКГ аппаратини олганмиз. Қилаётган саъй-ҳаракатларимиз самараси туфайли худудимизда 3 йилдан бери оналар ва болалар ўлими юз бермади. Аҳолига намунали хизмат кўрсатишда узоқ йиллардан бери шифокор деган фахрли номни оқлаб келаётган Зарифа Ҳақназарова (терапевт), Феруза Назарова (педиатр), Раҳматулла Рисқиев (хирург-терапевт), Раъно Ҳамроева (кардиолог), ҳамширалар Зебо Қозоқова, Ноила Жўраева, Дилором Мирқосимоваларнинг меҳнатлари катта албатта.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдикки, давлатимиз, шахсан Президентимиз бошчилигида эл соғлиғини тиклаш йўлида катта ғамхўрлик ва эътибор кўрсатилмоқдаки, буни биз шифокорлар ҳам чуқур англаб етишимиз ва ўз вазифамизни виждонан , оқ халатимизга муносиб тарзда адо этишимиз керак. Қолаверса, мана ёнгинамизда ҳомийлар кўмагида болалар юқумли касалликлари шифохонаси қад ростламоқда. Келаси йили бизнинг поликлиникамиз ҳам тўлиқ реконструкциядан чиқарилиб таъмирланади. Мақсадимиз эзгу, хайрли ишларга қаратилган экан биз ҳам мана шу тилакка «лаббай» деб жавоб берайлик. Тобора яқинлашиб келаётган энг қадрли Мустақиллик байрамимизни ёруғ юз билан кутиб олиш барчамизга насиб этсин.

## ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИНИНГ ИЛК ДАВРИДАН БОШЛАБ УНИБ-ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА МАЪНАН БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ ЙЎЛИДА КАТТА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

Бу борада Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Мактаб таълимини ривожлантиришнинг Давлат умуммиллий дастури каби бир қатор дастур ва қонунларнинг қабул қилиниши фикримиз далилидир.

Хусусан, Шайхонтоҳур туманида бундан 74 йил илгари қурилган 20-ўрта умумтаълим мактабининг умуммиллий дастур асосида Ёшлар йилида тўлиқ таъмирланиб, жаҳон андозалари даражасида чирой очгани ҳам мустақиллик шарофатидан албатта.

— Мактабимизни илгари кўрган киши бугун уни танимай қолиши табиий, — дейди ушбу таълим маскани раҳбари Шаҳноза Қосимова. — Шинам чиройли, янги мебеллар билан жиҳозланган хоналарда дарс ўтиш ҳам, сабоқ олиш ҳам кишига бир олам завқ, илҳом ва ғурур бағишлайди. Алоҳида фанларга ихтисослашган химия, биология ва физика хоналари зарурий жиҳозлар билан, компьютер синфимиз охирги русумдаги компьютерлар билан жиҳозланган. Спорт залимиз эса бутунлай янгитдан қурилиб, ювиниш, кийиниш ва ечиниш хоналари каби бир қатор қулайликлар яратилди. Ошхонамиз ҳам замонавий тарзда қайта жиҳозланди. Янги ўқув йилидан бошлаб 740 нафардан ортиқ болажонларга 45 нафар ўз касбининг фидойиси бўлган устоз-педагоглар сабоқ берадилар.

Мактабимизни тўлиқ таъмирдан чиқиши учун дастур асосида 948 миллион сўм маблағ сарф этилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали томонидан спорт жиҳозлари келтирилиб, ёшларнинг соғлом ва жисмонан бақувват бўлиб вояга етишларига барча шарт-шароитлар яратилди. Тан олиб айтиш кераккки, шундай кошонани фақат ҳавас қилар эдик. Энди мана шу эътибор, ғамхўрликка муносиб тарзда жавоб бериш, ёшларнинг ватанпарвар, жисмонан ва маънан баркамол бўлиб вояга етишларига ҳисса қўшиш лозим.

Асосий ниятимиз мана шу мақсад йўлида илғор технологиялар асосида ўқувчиларга пишиқ-пухта билим бериб Мустақилликдек азиз неъматнинг қадрига етиш, она-юртни асраб-авайлашга ўргатиб энг улуғ, энг азиз байрамимизни муносиб тарзда кутиб олишдир.

*Маҳалла*

## ИСМИ-ЖИСМИГА МОНАНД «БОҒ КЎЧА»

**БУГУНГИ КУНДА МАҲАЛЛА СЎЗИНИ ЭШИТГАНИМИЗДА БАРЧАМИЗНИНГ КЎЗ ОЛДИМИЗГА КАТТАЮ КИЧИК АҲИЛ, ИНОҚ ВА БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИДЕК ТИНЧ, ОСОЙИШТА УМРГУЗАРОНЛИК ҚИЛИБ КЕЛАЁТГАН ХАЙРЛИ МАСКАН КЕЛАДИ. АЙНИҚСА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА УШБУ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИГА БЎЛГАН КАТТА ЭЪТИБОР ТУФАЙЛИ У ЯНАДА РИВОЖ ТОПИБ ГУЛЛАБ-ЯШНАМОҚДА.**

Шайхонтоҳур туманидаги «Боғ кўча» маҳалласида бўлган киши ҳам айнан юқоридаги фикрларни кўнглидан ўтказса ажаб эмас. Исми- жисмига ниҳоятда муносиб бўлган ушбу маҳаллага бошчилик қилиб келаётган Гулсара опа Муслимова билан суҳбатлашгандан сўнг эса бунинг сабабини тушунгандек бўлдик. Чунки, бир гуруҳ фаоллар, ўқувчи-ёшлар ва ота-оналар билан «Бунёдкор ёшлар» боғини яратишга бошчилик қилиб турган маҳалла фуқаролар йиғини раисининг жонкуярлиги, кишилар кўнглига йўл топа олишининг ўзиёқ барча ишлар самарадорлигини таъминлашга хизмат қилаётганини шундоқ кўрсатиб турибди.

— Маҳалламизда 7.421 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди биз билан суҳбатда Гулсара опа. — Улар 20 та кўп қаватли, 14 та коттеж ва 3 та хусусий уйларда истиқомат қилишади. Маҳалладошларнинг ҳол-аҳволидан мунтазам хабар олиб турганимиз, керак вақтда беминнат ёрдам берганимиз учун улар ҳам маҳалламизда ўтказиладиган ободонлаштириш ишлари дейсизми ёки хашар бўладими бажонидил ёнимизда туришади.

Мана, яқинда туманимизда ўтказилган «Маҳалла куни» байрамида «Энг обод маҳалла» номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллаб компьютер тўплами ва I-даражали диплом билан тақдирландик. Албатта, бунда фақат менинг хизматим эмас, балки хотин-қизлар комиссия раиси Назифахон Акромова, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Холидахон Мирзахўжаева, йигирма учта посбон ва сардор Ҳамидулла Зоҳидов ҳамда 332-милиция таянч пункти инспекторлари, шунингдек, бир гуруҳ фаоллар бошчилигида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Ҳудудимизда 102-ўрта умумтаълим мактаби, 23-мусиқа мактаби ва тўртта мактабгача таълим муассасалари бор. Биз улар билан «Мактаб-маҳалла-оила» концепцияси бўйича иш олиб борамиз. Вояга етмаган ёшларнинг таълим-тарбияси, нотўғри йўлга кириб қолмаслиги, бирон касб-ҳунар эгаллаши учун шарт-шароит яратиб беришга ҳаракат қиламиз. Яқинда маҳалламизда «Ёшлар маркази» ишга тушди. Унга бугунги кунгача 20дан ортиқ ёшлар жалб этилган. Марказимизда ёшлар тикиш, тўқиш ва юмшоқ ўйинчоқлар ясаш каби ҳунарларни ўрганадилар.

Бундан ташқари касаначиликни ривожлантириш учун тўгарак очганмиз. Унга маҳалламиздаги ёш болали аёллар, ёш келинлар ва уй бекаларини жалб этганмиз. Мақсадимиз катталарнинг ҳам, ёшларнинг ҳам фойдали иш билан шуғулланиб, бўш вақтларини мазмунли ўтказишга эришиш.

Айни кунларда тобора яқинлашиб келаётган Энг улуғ ва азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 17 йиллигини муносиб кутиб олишга катта тайёргарлик кўряпмиз. Байрамни бутун атрофни тоза, озода, обод ва боғ-роғларга айлантирган ҳолда кутиб оламиз.



*Саноат*

## БЕЖИРИМ МАҲСУЛОТЛАР ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ

**ТУМАН ИҚТИСОДИЁТИГА ЎЗИНИНГ ОЗГИНА БЎЛСАДА УЛУШИНИ ҚЎШИШГА ИНТИЛИБ КЕЛАЁТГАН, ЁШ, ИЗЛАНУВЧАН ТАДБИРКОР БОШЧИЛИГИДА ИШ ЮРИТАЁТГАН «МИР-НУР-ТЕКС» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИДА ҲАМ АЙНИ КУНЛАРДА ИШ ҚИЗҒИН БОРМОҚДА.**

Мамлакатимиз бозорларини сифатли ва бежирим, ўзимизнинг маҳсулотларимиз билан бойитишга ҳаракат қилаётган тадбиркорларимизга яратилаётган катта имкониятлар туфайли иш бошлаган ушбу корхона раҳбари билан суҳбатлашиб шунга амин бўлдикки, орамизда ўз юрти, Ватан тақдирига бефарқ бўлмаган, иқтисодиёти, фаровонлиги ва гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшишга интилиб яшаётган инсонлар сафи тобора ортиб бормоқда. Буларнинг бари албатта мустақиллик шарофатидандир.

— Корхонамиз 2006 йилда ташкил топган бўлиб асосан ўзимизнинг хомашё — пахтадан трикотаж материаллари тайёрлаб, сўнгра ундан футболка, майка каби бир қатор маҳсулотлар ишлаб чиқарилади,— дейди корхона директори Нуриддин Жўраев. — Бугунги кунда маҳсулотларимиз тури 10 хилдан ортди, харидорларимиз сафи ҳам кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Янги иш ўринларини яратишга интилиб, бозор талабларини ўрганган ҳолда эндиликда янги бўёқ цехини ишга туширишга ҳаракат қилмоқдамиз. Тўқув ва тикув машиналаримиз Германия ва Хитойдан келтирилган. Тўқув цехини кенгайтириш орқали иш ўринларини кўпайтирмоқчимиз. Келгусида қишки ички кийимлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи билан тайёрланаётган маҳсулотларимиз насиб этса дунё бозоридан ҳам муносиб ўрин эгаллайди.

Мақсадимиз элимизга, юртимизга чин дилдан хизмат қилиш, бозорларимизни сифатли, харидорлар дидига мос маҳсулотлар билан тўлдириш. Энг муҳими эса хом ашёни ўзимизда қайта ишлаб тайёр маҳсулотга айлантириш ва шунинг ҳисобига таннархини арзонлаштиришга эришиш, арзон ва сифатли кийим-кечакларни халқимизга етказиб бериш. Фурсатдан фойдаланиб барчангизни Мустақиллигимизнинг қутлуғ 17 йиллик байрами билан қутлайман. Ҳамиша ишларимиз бароридан келиб, юртимиз янада гуллаб-яшнасин.

**Саҳифа материалларини Шоира МУҲАМЕДОВА тайёрлади.
Максим Черногаев олган суратлар**

*Иқтисодиёт*

## ҚУЛАЙ, ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТЛАР

**ХАРИДОР ТАЛАБИ АСОСИДА МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШ, БОЗОРНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШ ТУФАЙЛИ ТОВАРЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ, КОРХОНАЛАР МУВАФФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШДА КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.**

Шубҳасиз, бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг юқори сифатига қаратилган эътибор харидорлар сафини кенгайтиради, корхона нуфузини оширади, бозордаги муқим ўрнини белгилаб беради. Шаҳримизда — 2007 йилдан фаолият юритаётган «NOSIRXON A.R» хусусий фирмаси ана шундай корхоналар сирасига киради.

Тадбиркорлик билан иш олиб бораётган мазкур фирма мутахассислари Хитой давлатидан келтирилган замонавий, юксак унумли технологик линия, тикув машиналари, дастгоҳ ва ускуналар мададига таяниб тайёрлаётган эркаклар ҳамда болажонларга мўлжалланган сифатли футболкаларга талаб ортиб бормоқда.

— Маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг сифатли матолардан унумли фойдаланамиз, —дейди хусусий фирма директори Мансур Абдуллаев, — боиси, ўзимизда тайёрланган матолар экологик тоза, иқлим шароитларимизга мос ҳамда кўзларни қувнатувчи ёрқин рангларда бўлиб, барча талабларга жавоб беради.

Жорий йил охиригача хусусий фирма тадбиркорлари бозорни ўрганиш асносида талабга мос равишда маҳсулот турларини кўпайтирмоқда. Бунда уларнинг чиройли дизайни, ярашиқли бўлиши ва албатта, нархлари нисбатан арзонлиги аҳамият касб этади.

## ҲУНАРЛИНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ

**ҲУНАРЛИНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ ДЕБ, ХАЛҚИМИЗ БЕЖИЗ АЙТМАЙДИ. БОИСИ, ҚЎЛ МЕҲНАТИ, ҚАЛБ ҚЎРИ БИЛАН БУНЁД ЭТИЛГАН КЎЗЛАРНИ ҚУВНАТУВЧИ, ҚАЛБЛАРНИ ЗАВҚ-ШАВҚҚА ТЎЛДИРУВЧИ, АСОСИЙСИ, ИНСОННИ ГЎЗАЛЛИККА ОШУФТА ЭТУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР ҲАМДА УЛАРНИ ЯРАТУВЧИ УСТА ҲУНАРМАНДЛАР ҚАДИМДАН ХАЛҚИМИЗ ТОМОНИДАН ҚАДРЛАНИБ, ЭЪЗОЗЛАБ КЕЛИНГАН.**

Чилонзор туманида самарали фаолият юритаётган ёғоч ўймакорлигининг моҳир устаси, ҳунарманд Равшан Зиёевнинг санъат даражасига етказиб тайёрланган сандиқ, каравот, курси, телефон учун столча каби кўплаб маҳсулотлари кўрик-танловларда элимиз томонидан эътироф этилгани бежиз эмас. Устанинг машаққатли, лекин завқли меҳнати, ижодий изланиши туфайли жуда чидамли ҳамда кўркам ҳисобланган ёнғоқ ва чинор дарахтларидан тайёрланаётган мебеллар ўзининг бежирим кўриниши, мустаҳкамлиги замонавийлик билан анъанавийлик ўзаро уйғунлашиб ажиб гўзаллик, жозиба бахш этиб туриши билан ажралиб туради.

Жумладан, барча маҳсулотлардаги заргарона бажарилган нақшлар ниҳоятда нафис ишланганлиги ҳамда уларга бетакрорлик бағишловчи дизайнинг моҳирона танланиши боис ҳам ҳар қандай нозиктаъб мижознинг эътиборини тортади.

Шуниси эътиборлики, устанинг ҳунарини ўрганиш истагида бўлган кўплаб шогирдлари сафи йилдан йилга ортиб бормоқда. Ҳозирда ёғоч ўймакорлиги устаси Равшан Зиёевнинг 15 нафар шогирдлари унинг ҳунари сир-асрорларини миридан-сиригача ўрганиш истагида.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

## СИФАТЛИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР

**ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ҲАР НАРСАДАН АФЗАЛ, СОҒЛИҚНИ АСРАШ, МУСТАҲКАМЛАШ НАФАҚАТ ШИФОКОРЛАРНИНГ, АВВАЛО ЎЗИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗДИР. БЕЖИЗГА «СОҒЛОМ ТАНДА СОҒ АҚЛ» ДЕЙИШМАЙДИ.**

Касал бўлиб қолганда эса, албатта саломатлик посбонларига мурожаат этамиз, уларнинг тавсияси асосида қўлланиладиган дори-дармонларнинг соғлиқни тиклашдаги ўрни катта. Айтиш жоизки, дори-дармон тайёрлаб, аҳолига етказиб берувчи корхоналарнинг инсонлар саломатлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлари беқиёс.

«Универсал Фарм» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси ўзининг 10 йиллик фаолияти давомида сифатли дори-дармон турларини тайёрлашга, ички бозорни импорт ўрнини босувчи ана шундай маҳсулот билан таъминлашга муваффақ бўлмоқда.

— Фаолиятимизни асосан икки йўналиш бўйича, яъни таблетка (хапдори)лар ва сувли эритмалар — инфузион дорилар ишлаб чиқариш бўйича амалга оширамиз,— дейди маркетинг бўлими бошлиғи Дониёр Ўрмонов. — Корхонамиз замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган бўлиб, 160 дан зиёд ишчи-хизматчи фаолият кўрсатади. Ўтган йилда 2,5 миллиард сўмликдан зиёд сертификатланган дори-дармонларимизни буюртмачиларга етказиб берган бўлсак, жорий йилда ушбу рақамни 3 миллиард сўмга етказишни режалаганмиз.

Сифатли, самарали, арзон ва импорт ўрнини босувчи дори-дармонлар ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш мақсадида корхона лабораторияси мутахассислари изланишдан асло чарчашмайди. Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган «Юпиципром» ва «Юнифлам» деб номланган дорилар таъсири ва сифати билан беморларни даволашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

— Келгусида талабдан келиб чиқиб янги дори турларини ишлаб чиқаришга интилаётган тадбиркорлар ўз маҳсулотларини Қирғизистон, Туркманистон ва Қозоғистонга экспорт қилишни режалаб туришибди. Энг асосий мақсад эса мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшишдир.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ЭТИШ, УНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЮРИТАЁТГАН СИЁСАТНИНГ АСОСИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. БУ ЭЗГУ ТАМОЙИЛ ҲАЁТИМИЗДА ТЎЛА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПИБ КЕЛМОҚДА. ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ШУ ЙИЛ 1 МАЙДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН “ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ БУ БОРАДАГИ ДЕМОКРАТИК, СИЁСИЙ-ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШДА МУҲИМ ҚАДАМ БЎЛДИ.**

# ЭЗГУ ТАМОЙИЛ — АМАЛДА

**Мазкур фармон ижросини таъминлаш борасида юртимиздаги қатор идора ва ташкилотлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан турли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Абдуҳалим АҲМЕДОВ билан ЎзА мухбири шу ҳақда суҳбатлашди.**

— Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгиланди, — дейди А.Аҳмедов. — Шунинг учун ҳам Ўзбекистон қўшилган илк халқаро-ҳуқуқий ҳужжат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлди.

Мазкур Декларация қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилигимиз меъёрларида ўз ифодасини топди. Ўзбекистон ушбу меъёрларни, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича қўшилган бошқа халқаро ҳужжатлар талабларини қатъий бажариб келмоқда.

Юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий асослари яратилиши баробарида унинг амалда таъминланишини кузатувчи қатор тузилмалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, шунингдек, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус тузилган бўлинмалар каби миллий институтлар фаол иш олиб бормоқда.

**— Адлия вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси фаолияти хусусида тўхталиб ўтсангиз.**

— Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан вазирлигимизга Конституция ва қонунлар асосида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган ишларни фаоллаштириш вазифаси юклатилди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида вазирликда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ташкил этилди. Мазкур бошқарма ва унинг жойлардаги бўлимлари ҳозирги кунда фуқаролар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга ошираётир.

Фуқаролардан тушаётган турли ариза ва шикоятлар мутасаддиларни жалб этган ҳолда ўрганиб чиқилмоқда ва ҳуқуқлари бузилган шахсларни қонуний ҳимоялаш чоралари кўрилмоқда. Инсон ҳуқуқларига риоя этилиши юзасидан адлия идоралари ходимлари томонидан мунтазам ўрганиш ишлари ўтказилмоқда. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари ўз вақтида бартараф этилмоқда. Мисол учун, жорий йилнинг дастлабки ярмида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида адлия органлари томонидан тегишли ташкилотларга киритилган тақдимномаларнинг деярли 90 фоизи ижобий якунига етди. Қолганлари ҳам белгиланган тартиб ва муддатда кўриб чиқилмоқда.

Фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида адлия органлари томонидан судларга киритилган мингдан ортиқ даъво аризасининг аксарияти қаноатлантирилди. Суд қарорига мувофиқ, 12 нафар мансабдор шахсдан 9 миллион сўмлик моддий ва маънавий зарар ундирилди.

**— Президентимиз Ислом Каримовнинг юқорида номи қайд этилган фармони ижросини таъминлаш юзасидан адлия идоралари қандай ишларни амалга оширмоқда?**

— Фармонга мувофиқ, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирларда давлат ташкилотлари ва муассасалари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирок этиши энг муҳим вазифа қилиб белгиланган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастурининг ишлаб чиқилиши фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда республикамизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланувчи муассасаларнинг фаолиятини такомиллаштириш баробарида, бу йўналишдаги ишларни янада жонлантиришга хизмат қилмоқда

Ҳозирги кунда Адлия вазирлиги бу борада Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузуридаги Маънавият тарғибот маркази билан биргаликда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий қоидаларини, фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича миллий қонунчилигимиз асосларини кенг тушунтиришга бағишланган рисолалар, ўқув қўлланмалари, ижтимоий-сиёсий материаллар чоп этилиши ва аҳоли орасида кенг тарқатилишини таъминлаш бўйича зарур ишларни амалга оширмоқда.

Тадбирлар орасида инсон ҳуқуқларига оид китоб ва журналларнинг кўргазмаларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакатимиз бўйлаб ҳаракатланувчи сайёр кўргазмалар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, Тошкент давлат юридик институти, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар марказларида ўтган бўлса, эндиликда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда уларнинг ҳудудий идораларида, ахборот-ресурс марказларида давом этмоқда. Бу кўргазмаларда инсон ҳуқуқларига оид турли тилларда чоп этилган мингдан ортиқ нашрлар намойиш қилинмоқда. Ўз навбатида, ушбу санага бағишланган илмий-амалий анжуманлар режа асосида ташкил этилмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**ЎзА мухбири Норгул АБДУРАИМОВА суҳбатлашди**

# ЎЗБЕК ЁШЛАРИ «EVORA» XIV ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИДА

**ПОРТУГАЛИЯНИНГ ЭВОРА ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН “EVORA” XIV АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО МУМТОЗ МУСИҚА ФЕСТИВАЛИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЁШ ИСТЕЪДОД СОҲИБЛАРИ ҲАМ ИШТИРОК ЭТИШДИ.**

Унда “Ўзбекистон маданияти ва санъати” форуми жамғармаси илк бор Марказий Осиё минтақасидан расмий ҳамкор сифатида қатнашиб, “Келажак овози” танлови республика босқичи ғолиби Ш.Омонова, “Янги авлод” болалар ижодиёти фестивали лауреатлари И.Мирсоатова ва Ю.Мирсаматова, шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М.Зиёева, Ўзбекистон Давлат Консерваторияси талабаси И.Арабовнинг иштирокини таъминлади.

Мазкур фестиваль ҳар йили Шарқона мусиқанинг энг маҳоратли ижрочиларини бир саҳнага жамлайди. Бу йилги XIV фестиваль жаҳоннинг хилма-хил анъанавий ва мумтоз мусиқа йўналишларини ўз ичига олиб, “Эвора мумтоз фестивали – Шарқ” дея ном олди.

Фестивалда қатнашишга муваффақ бўлган 16-17 ёшли ўзбекистонлик истеъдодли ёшлар Европа классик мусиқаси ва анъанавий ўзбек мусиқасидан ташкил топган репертуарларини намойиш этишди. Ўзбекистонлик ёш мусиқачиларнинг чиқишлари фестиваль меҳмонлари ва мутахассисларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Бундан ташқари, ёш дуторчи қизлар Ирода ва Юлдуз ҳиндистонлик, испаниялик ва македониялик мусиқачилар билан бирга чиқишлар қилиб, мутахассислар ва турли фестиваль ташкилотчилари томонидан бошқа давлатларда ўтказиладиган фестивалларда қатнашиш таклифини қўлга киритди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, жорий йилдан бошлаб Форум жамғармаси Иер мода ва фотография фестивали сингари қатор халқаро фестиваллар ҳамкорига айланди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА, “Туркистон-пресс”**

*Алоқа*

# «МАЪЛУМОТХОНА» ИШ БОШЛАДИ

**«ЗИЁ НЕТ» ТАРМОҒИНИНГ РАСМИЙ ПОРТАЛИ ЯНГИ БЎЛИМГА ЭГА БЎЛДИ. «МАЪЛУМОТХОНА» ДЕБ НОМЛАНГАН УШБУ БЎЛИМ ФАОЛИЯТИ «ЗИЁ НЕТ» РЕСУРС МАРКАЗИ, УНИНГ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ҲАМДА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИДАГИ БЎЛИМЛАРИ МУТАХАССИСЛАРИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛДИ.**

Маълумотлар «Танловлар ва грантлар», «Барчаси таълим ҳақида», «Таълим бўйича лойиҳалар», «Масофавий таълим», «Қонунчилик» деган рукнлар орқали оммалаштирилади. Олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, педагогика ва малака ошириш институтлари ҳақидаги маълумотлар эса интернетда ягона нуқтада жамланади.

# ЯНГИ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

**«МОБИЛ АЛОҚА ТИЗИМЛАРИГА ОИД АТАМАЛАРНИНГ РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ» ЧОП ЭТИЛДИ. «ФАН –ТЕХНИКА ВА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН БОСМАГА ТАЙЁРЛАНГАН БУ ЯНГИ ЛУҒАТ РЕСПУБЛИКАМИЗДА БИРИНЧИ БОР ЯРАТИЛГАНЛИГИ БИЛАН ЭЪТИБОРГА САЗОВОРДИР.**

Луғат мингга яқин сўз, ибора ва таърифлардан иборат бўлиб, алифбо тартибида жойлаштирилган. Шуниси ҳам муҳимки, унда рус ва ўзбек тилларидаги атама ва бирикмаларнинг инглиз тилидаги муқобалари ҳам ўз ифодасини топди. Янги нашр соҳа мутахассислари учун фойдали ўқув адабиёти бўлиб хизмат қилади.

# МИЖОЗЛАРГА ҚУЛАЙЛИКЛАР

**РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА ҲОЗИР 90 ДАН ОРТИҚ РАҚАМЛИ ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ ИШЛАБ ТУРИБДИ.**

Ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этган бу жараён замонавий компьютер қурилмалари, кабеллардан унумли фойдаланиш имконини бермоқда.

«Ўзбектелеком»нинг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали видео- телефон хизматини йўлга қўйиш борасидаги техникавий тадбирларни амалга оширмоқда.

*Тадбирлар*

# ОБОД МАҲАЛЛАМ — НУРЛИ МАСКАНИМ

**МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИК ТЎЙИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ УЧУН ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ЗЕРО БУ КУН ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИ САНАЛАДИ.**

Учтепа туманидаги «Кўркамобод» маҳалласида ҳам Мустақиллик байрамига бағишлаб қатор хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса маҳалла аҳли ҳамкорлигида олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари ва кўп қаватли уйлар теварак-атрофини тозалашга катта аҳамият берилмоқда.

Яқинда «Кўркамобод» маҳалласи гузарида бўлиб ўтган «Обод маҳаллам—нурли масканим» мавзуидаги тадбир ҳам айнан яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрамига бағишланди.

— Мустақиллигимизнинг қутлуғ қадамлари билан мамлакатимиз янада обод, халқимиз фаровон, тинч ва осуда ҳаёт кечирмоқда, — дейди «Кўркамобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саидкарим Сотволдиев. — Бинобарин, юртимизда фуқароларимизнинг ҳар томонлама тўкис, бахтли ҳаёт кечиришлари учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Биргина маҳалламиз мисолида қарайдиган бўлсак, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз оналар, ногирон ва қарияларга ҳар томонлама кўмак берилмоқда. Уларнинг ҳам моддий ҳам маънавий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда анчагина хайрли ва самарали ишлар амалга оширилди. Ёшларнинг дам олиш вақтларини мазмунли ташкил қилиш мақсадида эса, турли хил тадбирлар, қизиқарли мусобақалар ўтказмоқдамиз. Мустақиллигимизнинг ўн етти йиллигига бағишлаб ҳар бир кўчада «Маҳалланг нурли остонанг— уни асраб-авайла» мазмунидаги тадбирларни уюштирмоқдамиз. Бундан мақсад, маҳалла ободончилигини янада таъминлаш, турар жойларнинг тозалигига эътибор қаратиш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ва унумли ўтказишдан иборатдир. Мустақиллик буюк неъмат. Ҳар бир фуқаро буни тўғри англаб иш олиб бориши лозим. Зеро унинг замирида Ватанимизнинг равнақи, юксалиши, инсонларнинг ҳур ва эркин ҳаёт кечиришлари, болажонларнинг бахтли ва истиқболли келажаги мужассамдир...

Шунингдек, тадбир жараёнида маҳалла фаоллари, ёшлар ҳам сўзга чиқиб яқинлашиб келаётган Энг азиз ва улуғ байрамни ҳар ким ўзига хос қизғин кутиб олаётганини таъкидладилар.

Мулоҳазали фикрлар ва саволжавобларга бой тарзда якунланган тадбир ҳашарга уланиб кетди. Маҳалланинг изланувчан, фаол ёшларидан иборат гуруҳ аъзолари ёнатрофни тозалаш учун ҳашар уюштирдилар. Ёшлар бошлаб берган хайрли ишга маҳалланинг кекса-ю ёши ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

*Таълим*

# ЛИБОС ДИЗАЙНИ МУТАХАССИСЛАРИ

**ЛИБОСЛАР ДИЗАЙНИ ЖАҲОН МОДАСИДА ЎЗИГА КЕНГ ЙЎЛ ТОПМОҚДА. БУ ЭСА ШУ СОҲА МУТАХАССИСЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБНИ ЯНАДА ОШИРИБ ЮБОРДИ.**

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтида дизайн йўналишида ўқув бўлими очилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Либос дизайни ва матоларнинг бадиий ечими мутахассислигига асосланган мазкур йўналишда бу йил 25 нафар талаба ўқиб, ўз билим ва маҳоратини оширди.

Рангтасвир ва бадиий композиция асосида ўзбек матоларидан янги миллий коллекциялар тайёрлашда бўлажак дизайнерлар ҳам фаоллик кўрсатадилар.

# БАЙРАМ ҲАФТАЛИГИ

**ҲАР САФАРГИДЕК БУ ЙИЛ ҲАМ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ ҚИЗИҚАРЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ. ЯНА МУҲИМ ЖИҲАТИ ШУНДАКИ, БАЙРАМ САБОҚЛАРИ «МУСТАҚИЛЛИК —ЁРУҒ ТАҚДИРИМИЗ, БАХТИМИЗ, ИҚБОЛИМИЗ» ДЕГАН ҲАФТАЛИККА УЛАНИБ КЕТДИ.**

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги буйруғи билан мамлакатимизда биринчи бор уюштириладиган бундай ҳафталик давомида байрам шодиёналари, мусобақалар, кўрик-танловлар ўтказилди. Мустақилликнинг 17 йиллигига армуғон қилинган янги мактабларда эса «Уч авлод вакиллари» мавзусида давра суҳбатлари уюштирилади.

# САМАРАЛИ НАТИЖАЛАР

**РЕСПУБЛИКА ЎРТА ТИББИЁТ ВА ДОРИШУНОС ХОДИМЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИДА УЗЛУКСИЗ ЎҚУВ ЖАРАЁНЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

Ҳамширалар ва доялар учун ташкил этилаётган курслар ҳам билим ва маҳоратни ўстиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Марказда уюштирилган навбатдаги семинар-йиғилишда кейинги йилларда малака ошириш борасида кўрилган тадбирлар умумлаштирилди.

**Акбар АЛИЕВ**





*Ёзги таътил*

# ЯНА УЧРАШИШГА АҲДЛАШИШДИ

**БОЛАЖОНЛАРИМИЗ АЙНИ КУНЛАРДА ЁЗГИ ТАЪТИЛЛАРИНИ МАРОҚЛИ ЎТКАЗИШМОҚДА. КИМДИР ЎЗ УЙИДА, БОШҚАЛАР ЭСА БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИДА МИРИҚИБ ДАМ ОЛМОҚДАКИ, БУ, АЛБАТТА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА УЛАРНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА КУЧ ТЎПЛАШЛАРИДА, БИЛИМГА ЧАНҚОҚЛИК СЕЗИШЛАРИДА, ИНТИЛУВЧАНЛИГИДА МУНОСИБ ҲИССА БЎЛИШИ, ШУБҲАСИЗ.**

Бўстонлиқ туманидаги Қоранкул қишлоғи ҳудудида жойлашган сўлим «Зангори олов» деб номланган болалар оромгоҳи «Тошкентшаҳаргазтаъминот» унитар корхонасининг «Тошкентшаҳаргаз» филиалига тегишли бўлиб, ушбу маскан 10,6 гектар майдонни эгаллаган ва 210 ўринга мўлжаллангандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, болажонларнинг ёзги таътил даврида талаблар даражасида дам олишларини ташкил этиш мақсадида жорий йилнинг 1 июнига қадар оромгоҳда барча иншоот ва қурилмалар жорий таъмирланди. 3 миллион сўмлик ошхона ва ётоқхона жиҳозлари сотиб олинди. Шу ўринда болаларнинг севимли маскани ҳисобланган мазкур оромгоҳнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшган Ёқилғи, энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмалари Тошкент вилояти қўмитасини алоҳида қайд этиш мумкинки, уларнинг ёрдами билан ошхона жиҳозлари, стол-стуллар, мебеллар, гиламлар, бадиий адабиётлар ва спорт анжомлари харид қилиниб, сўлим гўша янада чирой очди.

— Оромгоҳимизда жорий йилда режада кўзда тутилган 690 нафар ўрнига 704 нафар ўғил-қиз мириқиб дам олди, — дейди оромгоҳ бошлиғи Й.Холметов. —Улар орасида 60 нафар Оролбўйи минтақаси, яъни Хоразм вилояти меҳнаткашларининг фарзандлари ва 7 нафар кам таъминланган оилаларнинг болалари борлигини ҳам айтиш ўринли. Масканимизда ўтказилган ҳар бир мавсум ўзига хос бўлди. Айниқса, болажонларда катта таассурот қолдирган «Асфальтга расм чизиш», «Иқтидорларни излаймиз», «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Қувноқ экспресс» сингари тадбирларимизда болажонларимизнинг билим ва иқтидорлари намойиш этилиб, барчада катта таассурот қолдирди. Шунингдек, ҳар бир мавсумда пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказган тадбирларимизда ўғил-қизларимиз шаҳримиз ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлишди.

Спорт-саломатлик гарови эканлигини ҳамиша таъкидлаймиз. Айниқса, болажонларимиз, эртамиз давомчиларининг соғлом ва баркамол ўсишларида жисмоний тарбия ва спортнинг фойдаси беқиёс. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда оромгоҳда турли спорт мусобақалари, спартакиадалар ўтказилиб, ғолиблар диплом, мақтов ёрлиқлари, эсдалик совғалари билан тақдирландики, бу албатта уларнинг кайфиятларини кўтаришда, мазмунли дам олишларини ташкиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

Табиат қўйнида, соф ҳавода ким ҳам яйрамайди, дейсиз. Болажонлар ҳам табиат қўйнига уюштирилган саёҳатлардан баҳра олишди. Тарбиячилар, жисмоний тарбия устозлари, тиббиёт ходимлари раҳбарлигида уюштирилган саёҳатлар давомида болалар атрофимизда ўсувчи доривор ўсимлик гиёҳларидан қандай фойдаланиш, заҳарли ўтларни ажрата билиш ҳақида маълумотларга эга бўлишди. Энг қизиқарлиси эса гуруҳлар бўйича ўтказилган гулхан атрофидаги йиғинлар бўлиб, бундай тадбирларда турли ўйинлар, болалар ижросидаги куй ва қўшиқлар, рақслар барчани бирдай шод этди. Уларни уюштиришда Т.Неяскина, И.Гаврилова, Б.Юсупова сингари тажрибали тарбиячиларнинг меҳнати ва маҳоратини алоҳида таъкидласа арзийди.

Ошхонадаги ошпазларнинг болажонлар учун тайёрлаган таомлари сифати ҳамда мазасига аҳамият қаратилди. Бу борада С.Ражабов, М.Мирпўлатов, Ш.Кўчкорова,М.Абдукаримова сингари ошхона ходимлари дам олувчиларнинг ҳурматига сазовор бўлишди.

Бир сўз билан айтганда, «Зангори олов» оромгоҳида ўғил-қизларимиз нафақат мириқиб дам олишди, балки ўзаро дўстлашишди, келгуси йилда яна қайта шу ерда учрашишга аҳдлашишди.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: оромгоҳ ҳаётидан лавҳалар**

# ЁШЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯДА

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЎРГАНИШ ИНСТИТУТИДА “ЁШЛАРНИ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ” МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Мазкур анжуман Республикамиз Президентининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Президентининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”-ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар атрофлича муҳокама қилинди. Тадбирда асосий эътибор ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни каби долзарб масалаларга қаратилди. Мутахассислар томонидан ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий билими юқори эканлиги эътироф этилди, аммо уларда билганларини амалиётда қўллаш кўникмаси етишмаслиги қайд этилди. Давра суҳбатини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ҳам сиёсий-ҳуқуқий билимларидан фойдаланиш механизмларини, ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашиш усулларини ўргатишдан иборат.

Давлатимиз раҳбарининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги фармонининг бешинчи бандига мувофиқ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бир қатор ташкилотларга етук олим ва мутахассисларни жалб этган ҳолда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлашга оид давлат сиёсати мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича турли таълим муассасалари ва ёшлар орасида кенг кўламдаги тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, давра суҳбатлари ва ўқув семинарлар ўтказиш вазифаси юкланган эди. Тадбир давомида ушбу вазифалар юзасидан “Камолот” ЁИҲ ҳамда тегишли идора ва ташкилотлар томонидан олиб борилаётган ишлар аниқ мисоллар асосида кўрсатиб берилди.

Шунингдек, йиғилишда “Ёшлар йили” Давлат дастурида белгилаб қўйилган ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларни янада такомиллаштириш, бу жараёнда ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш, қонунлар мукаммаллигини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этиши таъкидланди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА, “Туркистон-пресс”**

